ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАИМОВА ГУЛНОРА МИРВАЛИЕВНА

ЭЛЛИПТИК ВА ПАРАБОЛИК ТУРДАГИ ТЕНГЛАМАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМЛАРИ УЧУН ЭҲТИМОЛИЙ МОДЕЛЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УДК 519.245
УДК 519.63

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

РАИМОВА ГУЛНОРА МИРВАЛИЕВНА

ЭЛЛИПТИК ВА ПАРАБОЛИК ТУРДАГИ ТЕНГЛАМАЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМЛАРИ УЧУН ЭҲТИМОЛИЙ МОДЕЛЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM58 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZIYONET» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Форманов Шокир Қосимович** физика-математика фанлари доктори, академик
	Расулов Абдужаббор Саттарович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Пресман Эрнст Львович** физика-математика фанлари доктори, профессор (Россия, ЦЭМИ РАН)
	Шадиметов Холматвай Махкамбоевич физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ходжибаев Вали Рахимджанович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ал Фаробий номидаги Қозоғистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»___________соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2017 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

М.М.Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотлар кўпгина амалий муаммоларнинг ечими иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалалар билан таснифланиши ва бундай масалаларни сонли ечишда статистик моделлаштириш (Монте Карло) усулларини тадқиқ этиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Статистик моделлаштириш – бирор объектнинг тадқиқ этилаётган таснифларини шу объектнинг эҳтимолий моделини компьютерда моделлаштириш ва катта сонлар қонуни асосида баҳолашдир. Монте Карло усулини тасодифий факторлар таъсири кузатиладиган ихтиёрий жараёнларни моделлаштиришда қўлланилиши табиий бўлиб, ушбу усулни статистик физика, турбулентлик назарияси, нурланишни кўчириш назарияси масалалар ечишга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиқига эга бўлган йўналишларга эътибор кучайтирилди. Ҳозирда статистик моделлаштириш усуллари тадбиқлари спектори жуда кенг бўлиб, нурланишни кўчириш масалалари (ядровий реакторлар; атмосфера оптикаси), газ динамикаси масалалари (Бёрд усули, коагуляция жараёнларини моделлаштириш), молиявий математика масалалари (қимматбаҳо қоғозлар ва бозор вазиятларининг бошқарувини моделлаштириш), оммавий хизмат кўрсатиш масалаларига (мураккаб ишлаб чиқариш тизимлари, алоқа тизимлари ва компьютер тармоқларини моделлаштириш) оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, амалий математика ва математик моделлаштириш фанларнинг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолиятлар йўналишлари» этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда сонли усуллар, ҳисоблаш математикаси, эҳтимоллар назарияси ва статистик моделлаштиришни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда статистик моделлаштириш усулларининг қўлланиш доирасини математик физиканинг турли масалалари, айниқса, чизиқсиз чегаравий масалалар соҳасини кенгайтириш мухим аҳамият касб этмоқда. Бундай чизиқсиз масалаларни сонли ечими, одатда, сезиларли қийинчиликлар билан боғлиқ. Бу борада детерминистик усуллар билан бир қаторда статистик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ҳамда қўллаш, шу жумладан, газ динамикаси, молиявий математика, биология ва бошқа соҳаларининг мунтазам равишда мураккаблашиб бораётган моделларига мос келувчи амалий масалаларни ечишда сонли натижалар олиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

---

[1] ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Монте Карло усуллари ва уларнинг амалий масалаларга тадбиқлари бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, the Centre for Advanced Computing and Emerging Technologies, the University of Leicester (Буюк Британия), the Institute for Parallel Processing of the Bulgarian Academy of Sciences (Болгария), the National Environmental Research Institute (Дания), the University of Mainz, the Weierstrass Institute for Applied Analysis and Stochastics (Германия), the University of North Carolina at Chapel Hill, The Florida State University, the CIS Department of the Brooklyn College (АҚШ), Санкт-Петербург Давлат университети, РФА СБ ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти, Урал федерал университети (Россия), Қозоғистон Миллий Университети, Туркманистон Давлат университетида олиб борилмоқда.

Чегаравий масалаларни сонли ечиш учун статистик моделлаштириш усулларини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Фредгольмнинг 2 тур интеграл тенгламаларни ечиш учун статистик моделлаштириш алгоритмларини такомиллаштирилган ва амалий тадбиқлари ўрганилган (РФА СБ ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти), Монте Карло усулининг эллиптик ва параболик турдаги ҳусусий хосилали тенгламалар ечимлари учун тасодифий жараёнлар траекторияларида силжимас баҳолар қурилган (Санкт-Петербург Давлат университети), иссиқлик ўтказувчанлик масалаларини ечишда тасодифий жараёнлар ва уларнинг ҳоссалари тадқиқ этилган (University of Texas, USA), чегаравий масалалари стохастик дифференциал тенгламалар системасини

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: Journal of Approximation Theory, Applied Mathematics and Computation, Journal of Computational and Applied Mathematics http://www.journals.elsevier.com/mathematics; Calcolo, Numerical Algorithms, BIT Numerical Mathematics, Сибирский журнал вычислительной математики, Журнал вычислительной математики и математической физики, http://www.springer.com/mathematics манбалар асосида ишлаб чиқилган.

аппроксимация масалаларига келтириб ечилган (University of Leicester, Урал Давлат университети).

Дунёда бугунги кунда математик физиканинг кўп ўлчовли, чизиқсиз масалаларини ечишда бир қатор, жумладан, статистик моделлаштириш усулларини сийрак газ ҳаракатини ифодаловчи Больцманнинг интегро-дифференциал кинетик тенгламасини, чизиқсиз Ляпунов-Шмидт тенгламаларини, тўқнашиш ва ёпишиш физик жараёнларини ифодаловчи чизиқсиз тенгламаларни, динамикаси стохастик тенгламалар системаси билан ифодаланувчи қимматбаҳо қоғозлар бозори масалаларини сонли ечиш усулларини қуриш каби устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тармоқланувчи марков жараёнлари билан чизиқсиз тенгламалар орасидаги боғланишлар аввалдан маълум. Гарчи Монте-Карло усулининг қўлланилиши масалалари кўтарилмаган бўлсада, бу мавзу қуйидаги муаллифларнинг ишларида муҳокама қилинган: Ю.Л.Далецкий, Л.Т.Заплитная, А.А.Скороход, Б.А.Севостьянов. Бу йўналишда дастлабки асосий натижалар С.М.Ермаков томонидан олинган бўлиб, унинг ишларида Нейман–Улам схемасини тармоқланувчи марков жараёнлари асосидаги номаълум функция кўпҳад кўринишида қатнашган чизиқсиз интеграл тенгламаларга бевосита умумлаштириш амалга оширилган. Ушбу назариянинг келгуси ривожи С.М.Ермаков, Г.А.Михайлов, В.В.Некруткин, А.С.Расулов, Р.Н.Макаров, А.А.Сипин, М.Т.Бакоев, А.З.Веселовская, П.Г.Скворцов, Н.А.Симонов ва бошқалар ишларида амалга оширилган.

Тармоқланувчи жараёнларни моделлаштириш ёрдамида чизиқсиз чегаравий масалаларни ечиш учун, ҳозирда, Монте-Карло усулининг иккита амалий схемалари кенг ривожланган. Улардан биринчиси – тўр тугунлари бўйича тармоқланиб тасодифий ҳаракат, иккинчиси – сфералар бўйича тармоқланган тасодифий ҳаракат. Иккинчи тартибли чизиқсиз тенгламаларга қўйилган чегаравий масалаларни ечиш учун Монте-Карло усули алгоритмларини қуриш ва асослаш билан С.М.Ермаков, Г.А.Михайлов, А.С.Расулов, А.А.Сипин, В.В.Некруткин, А.З.Веселовская, М.Т.Бакоев шуғулланишган.

Тенгламалар системасини ечишга мўлжалланган Монте-Карло усулининг вектор алгоритмлари Г.А.Михайлов, А.В.Войтишек, В.В.Некруткин, С.В.Рогазинский, И.Н.Медведев ишларида кенг ўрганилган. Чегаравий масалаларни стохастик дифференциал тенгламалар системасини ечишга келтириш ва эйлер аппроксимациялари ёрдамида ечиш усулларини тадқиқ этиш билан Г.Н.Мильштейн, М. В. Третьяков ва Я.И.Белопольская шуғулланишган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг Ф.1.1.1 «Тасодифий жараёнларнинг стохастик ва статистик таҳлили ва тадбиқлари» (2003-2007йй.), Ф005-Ф008 «Тасодифий жараёнларнинг асимптотик таҳлили ва унинг қарорлар қабул қилиш назариясига тадбиқлари» (2007-2011йй.), Ф4-ФА-Ф009 «Эҳтимоллар тақсимоти учун аппроксимация масалалари ва уларнинг математик статистикада қўлланилиши» (2012-2016 йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккинчи тартибли ҳусусий ҳосилали эллиптик ва параболик турдаги чизиқсиз тенгламалар ва чизиқли системалар учун қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделлар қуриш ва уларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўрилаётган масалаларнинг ечимларининг марков занжирлари траекториясида аниқланган тасодифий миқдорларнинг математик кутилмаси шаклидаги эҳтимолий кўринишларини аниқлаш;

чизиқсиз эллиптик ва параболик турдаги тенгламалар ва системаларга қўйилган чегаравий масалаларнинг ечимлари учун дисперсияси чегараланган силжимас ва кам силжиган баҳолар қуриш;

эҳтимолий моделларга асосланган алгоритмлари учун зарур бўлган тақсимотларни моделлаштириш усулларини аниқлаш;

модел масалалар учун ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш;

қурилган ҳисоблаш усуллари асосида самарали алгоритмлар қуриш ва амалий компьютер дастурлар мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти чизиқсиз эллиптик ва параболик турдаги тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар, чизиқли эллиптик ва параболик турдаги тенгламалар системаларига қўйилган чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети чизиқсиз эллиптик ва параболик турдаги тенгламалар ечимларининг эҳтимолий қўринишлари, траекторияларида ўрганилаётган масалалар ечимларининг силжимас баҳолари қурилаётган марков занжирларининг ҳоссалари, ечимларга қурилган баҳоларнинг силжимаслигини исботлашда мартингаллар назариясининг қўлланилиши, чизиқсиз чегаравий масалаларни ечишнинг математик моделлар, статистик алгортимлар ва дастурий воситалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида Монте-Карло усуллари назарияси, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, ҳисоблаш математикаси, математик ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар назарияси, интеграл тенгламалар назарияси усулларидан фойдаланилган. Чегаравий масалаларнинг ечимларининг статистик баҳолари ва бу баҳолар кўрилаётган тасодифий ҳаракат траекторияларининг ҳусусиятларини тадқиқ этишда мартингаллар назарияси қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чексиз даражали қатор кўринишидаги чизиқсизликка эга бўлган эллиптик тенгламалар учун қўйилган биринчи ва иккинчи тур чегаравий масалалар ечимлари учун махсус эҳтимолий кўринишлар ҳосил қилинган ва улар асосида масалалар ечимларининг берилган нуқтадаги қиймати учун силжимас баҳолар қурилган;

чизиқсиз эллиптик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделларга асосланган ҳисоблаш усуллари қурилган;

чексиз даражали қатор кўринишидаги чизиқсизликка эга бўлган ўзгармас ва ўзгарувчи коэффициентли параболик тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун махсус эҳтимолий кўринишлар ҳосил қилинган ва улар асосида масалалар ечимларининг берилган нуқтадаги қиймати учун силжимас баҳолар олинган;

чизиқсиз параболик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделларга асосланган ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

эллиптик тенгламалар системаси учун қўйилган чегаравий масала ечими учун махсус эҳтимолий кўриниш ҳосил қилинган ва унинг асосида сфералар бўйича тасодифий жараён траекториясида масала ечимининг берилган нуқтадаги қиймати учун силжимас баҳолар қурилган, сонли усуллар яратилган;

параболик тенгламалар системасига қўйилган чегаравий масала ечими учун махсус эҳтимолий кўриниш ҳосил қилинган бўлиб, ушбу кўриниш асосида сфероидлар бўйича тасодифий жараён траекториясида масала ечимининг берилган нуқтадаги қиймати учун силжимас баҳолар қурилган ва уларга асосланган сонли ечиш схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Эллиптик ва параболик турдаги чизиқсиз тенглама ва чизиқли системалар ечимлари учун янги статистик моделлаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва ушбу ҳисоблаш усулларининг самарали алгортимларига асосланган дастурлар мажмуаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эҳтимоллар назарияси, статистик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва функционал анализ усулларидан фойдаланилган ҳолда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган. Барча хулосалар компьютер ёрдамида ҳисоблаш тажрибаларининг натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар чизиқсиз тенгламалар, шу жумладан, ноъмалум функцияга нисбатан экспоненциал, айрим тригонометрик ва гиперболик функциялар кўринишидаги чизиқсизликларга эга бўлган тенгламаларни тадқиқ этиш ва чегаравий масалаларни сонли ечимларини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари эллиптик ва параболик турдаги чизиқсиз тенгламалар ва чизиқли системалари учун қўйилган чегаравий масалалар орқали ифодаланувчи физик жараёнларнинг тадқиқотига асос бўлиши ва масалаларни сонли ечиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эллиптик ва параболик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделлар қуриш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

параболик тенгламалар системаси учун чегаравий масала ечими учун қурилган статистик моделлаштириш баҳолари DFNI-102/8 рақамли грант лойиҳасида интеграл тенгламалар системасини ечишда қўлланилган (Болгария Фанлар академиясининг ахборот ва коммуникацион технологиялари институтининг 2017 йил 14 августдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши интеграл тенгламалар системасини ечишда қурилган статистик баҳоларнинг дисперсиясини камайтириш орқали баҳоларнинг статистик хусусиятларини яхшилаш имконини берган;

чизиқсиз эллиптик ва параболик тенгламалар учун олинган натижалар «Monte Carlo Methods in Biochemical Electrostatics», «Stochastic Estimation of Material Properties» илмий тадқиқот лойиҳаларида биохимик электростатика хамда материалларнинг айрим хусусиятларини сонли баҳолаш масалаларини ечишда қўлланилган (National Institute for Standards and Technology, USA, 2017 йил 17 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши мазкур масалаларнинг ечимлари учун статистик моделлаштириш баҳоларини қуриш имконини берган;

параболик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар учун олинган натижалар «Monte Carlo Methods and Big Data Applications» илмий тадқиқот лойиҳасида чизиқли ва чизиқсиз чегаравий масалаларнинг ечимлари учун силжимас баҳолар олишда фойдаланилган (Department of Computer Science, Old Dominion University, Virginia, USA, 2017 йил 16 октябрдаги 16/10-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши чизиқли ва чизиқсиз чегаравий масалаларнинг сонли ечимларини олиш ва баҳолаш хатолигини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 14 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан, битта монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр эттирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Яримчизиқли эллиптик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделлар»** деб номланувчи биринчи бобида яримчизиқли Гельмгольц тенгламасига қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун статистик моделлаштириш усуллари ўрганилган.

Ушбу бобнинг 1.1 параграфида асосий натижаларни баён қилишда зарур бўлган баъзи маълумотлар, шу жумладан, чизиқли Гельмгольц тенгламаси учун Дирихле масаларини ечими учун эҳтимолий баҳолар олишнинг умумий схемаси, сфералар бўйича тасодифий ҳаракатланиш жараёнининг таърифи ва унинг ҳусусиятлари келтирилган.

1.2 параграфда яримчизиқли Гельмгольц тенгламаси учун Дирихле масаласи кўрилган. $D\subset R^3$ - чегараланган соҳа ва Γ унинг чегараси бўлсин. $f(x,u)=\sum\limits_{n=0}^{\infty}a_n(x)u^n(x)$ ва қатор коэффициентлари $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{\bar{a}_n}=0$ шартни қаноатлантирсин, бунда $\sup\limits_{x\in D}|a_n(x)|\le\bar{a}_n$. Қуйидаги Дирихле масаласини кўрамиз:

$$-\Delta u(x)+cu(x)=f(x,u),\quad x\in D,\quad u|_{\Gamma}=\varphi. \qquad (1)$$

$\varphi(x)\in C(\bar{\Gamma})$, $a_n(x)\in C(\bar{D})$ $(n=0,1,2,\ldots)$ функциялар ва $c>0$ коэффициент шундай бўлсинки, (1) масаланинг ягона узлуксиз ечими мавжуд бўлсин. Қуйидаги шарт бажарилсин $\sum\limits_{n=0}^{\infty}\bar{a}_n n<\infty.$ Грин функцияси ёрдамида $u(x)$ функция учун махсус интеграл тенглама ҳосил қилинган:

$$u(x)=q\int\limits_{S_R(x)}u(y)d\omega+(1-q)\int\limits_{K_R(x)}p(x,y)\sum_{n=0}^{\infty}\frac{a_n(y)}{c}u^n(y)dy. \qquad (2)$$

бунда $R(x)=\min\limits_{y\in\Gamma}|x-y|$, K_R - маркази x нуқтада бўлган R радиусли шар, S_R - унга мос келувчи сфера, $q=R\sqrt{c}/\mathrm{sh}(R\sqrt{c})$, ω- S_R сфера сиртидаги текис тақсимот,

$$p(x,y)=\frac{\mathrm{sh}[(R-|x-y|)\sqrt{c}]}{4\pi|x-y|(\mathrm{sh}(R\sqrt{c})-R\sqrt{c})}$$

x нуқтадан y нуқтага ўтиш зичлиги $(x,y\in K_R)$.

Теорема 1.2 да (2) интеграл тенглама учун кетма-кет яқинлашишлар усули яқинлашишини таъминловчи шартлар аниқланган. (2) қўриниш асосида D фазода $\{Z_n\}$ тармоқланувчи тасодифий жараёни аниқланган.

Жараён учун $P(\mathrm{w}, B)$ ўтиш функцияси аниқланган ва тармоқланувчи марков занжирини моделлаштириш усули берилган. Қуйидаги лемма исботланган.

Лемма 1.1. *Тасодифий тармоқланувчи* $\{Z_n\}$ *жараён бир эҳтимоллик билан ёки* D *соҳада тугалланилади ёки* $Z=(x^1,n^1;x^2,n^2;\ldots;x^k,n^k)$ *нуқтавий тақсимотга яқинлашади, бунда* $x^i \in \Gamma$, $i=1,2,\ldots k$.

Юқорида аниқланган жараён траекториясида рекуррент аниқланган баҳо қурилган: $\zeta_0(x)=u(x)$, $\zeta_k(x)=\Psi(\zeta_{k-1}(x))$,

$$\Psi(\zeta(x))=\begin{cases}\zeta(y_1), & \textit{эхтимоллиги } \ q(x);\\ W_n(y_2)\prod\limits_{i=1}^{n}\zeta^{(i)}(y_2), & \textit{эхтимоллиги } \ (1-q(x))\pi_n, \quad n\neq 0\,;\\ W_0(y_2), & \textit{эхтимоллиги } (1-q(x))\pi_0.\end{cases}$$

Бунда $\zeta^{(i)}(y)$ - $\zeta(y)$ тасодифий миқдорнинг боғлиқсиз ҳолда моделлаштирилган қийматлари,

$$W_n(y)=\frac{M\,a_n(y)}{c\bar{a}_n\alpha}, \quad W_0(y)=\frac{a_0(y)}{c\pi_0}.$$

$\Re_k-$ $\{\omega_i\}_{i=0}^{k-1}, \left\{\alpha_i^0\right\}_{i=0}^{k-1}, \left\{\alpha_i^1\right\}_{i=0}^{k-1}, \left\{\alpha_i^2\right\}_{i=0}^{k-1}$ кетма-кетликлар асосида қўрилган σ-алгебра бўлсин. Қуйидаги теорема исботганган.

Теорема 1.3. $\{\zeta_k(x)\}_{k=0}^{\infty}$ *кетма-кетлик* $\{\Re_k\}_{k=0}^{\infty}$ *га нисбатан мартингал ташкил этади. Агар* $M<c$ *бўлса, у ҳолда* $\zeta_k(x,t)$- *текис интегралланувчи мартингал бўлади.*

Γ_ε чегаранинг ички ε- атрофи бўлсин, N_1 жараённинг соҳа ичида узилиш моменти, N_ε биринчи бор барча зарраларнинг Γ_ε соҳага тушиш моменти бўлсин. У ҳолда $N=\min\{N_1,N_\varepsilon\}$ - жараённинг тўхташ моменти.

Теорема 1.4. *Агар* $M<c$ *бўлса,у ҳолда* $\zeta_N(x)$ - $u(x)$ *учун чегаралаган дисперсияли силжимас баҳо бўлади.*

1.3 параграфда яримчизиқли Гельмгольц тенгламаси учун Нейман масаласи ечимига эҳтимолий модел қурилган. $D\subset R^3$ - чегараланган қаварик соҳа ва G - унинг чегараси бўлсин. $f(x,u)=\sum\limits_{n=0}^{\infty}b_n(x)u^n(x)$, $b_n(x)\in C(\bar{D})$ $(n=0,1,2,\ldots)$ ва қатор коэффициентлари $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{\bar{b}_n}=0$ шартни қаноатлантирсин, бунда $\sup\limits_{x\in D}\left|b_n(x)\right|\le\bar{b}_n$, функциялар $\varphi(x)\in C(G)$, $a(x)\in C(\bar{D})$, $a(x)>0$, $n=n_x$ - G сатҳга x нуқтада ўтказилган ташқи нормал. Қуйидаги масалани қўрамиз:

$$-\Delta u(x)+a(x)u(x)=\sum_{i=0}^{\infty}b_i(x)u^i(x), x\in D, \quad \left.\frac{\partial u}{\partial n}\right|_G=\varphi(x), \qquad (3)$$

Фараз қиламиз $\varphi(x), b_i(x), a(x)$ функциялар шундайки, (3) масаланинг ягона узлуксиз $u(x) \in C^2(D) \cap C(\bar{D})$ ечими мавжуд ва $M = \sum_{k=0}^{\infty} \bar{b}_k k < \infty$ бўлсин. Грин формуласи ва ўрта қиймат ҳақидаги теоремадан фойдаланган ҳолда $u(x)$ функция қийматини унинг D соҳа бўйича ва G соҳа чегараси бўйича олинган интеграллари орқали ифодаловчи махсус интеграл тенглама ҳосил қилинган:

$$u(x) = \frac{1+I_G(x)}{\sigma_m} \int_D \frac{k_2(r)}{r^{m-1}} \left[\left[\frac{rf(y,u(y))}{c^2 r + c(m-3)} + \left(1 - \frac{a(y)r}{c^2 r + c(m-3)} \right) u(y) \right] dy + \right.$$

$$\left. + \int_G k_1(r) \frac{Cos\varphi_{xy}}{r^{m-1}} u(y) d_y S + \int_G \frac{\exp(-cr)}{r^{m-2}(m-2)} \varphi(y) d_y S \right]. \qquad (4)$$

Бунда

$$k_1(r) = \left(1 + \frac{cr}{m-2}\right) \exp(-cr),\ k_2(r) = \frac{c^2 r + c(m-3)}{(m-2)} \exp(-cr),\ Cos\varphi_{xy} = (y-x, n_y)/r,$$

$I_G(x)$ - G .чегара индикатори. Оҳирги ифодани қуйидагича ёзиб оламиз:

$$u(x) = \int_{\bar{D}} p(x,y) \left\{ (1-g(x,y))u(y) + g(x,y) \frac{f(y,u(y))}{a(y)} \right\} d\mu(y) + F(x). \qquad (5)$$

Бунда

$$p(x,y) = \frac{1+I_G(x)}{\sigma_m} \begin{cases} k_1(r) \dfrac{\cos\varphi_{xy}}{r^{m-1}}, & y \in G; \\ \dfrac{k_2(r)}{r^{m-1}}, & y \in D. \end{cases} \qquad g(x,y) = \begin{cases} 0, & y \in G; \\ \dfrac{a(y)r}{c^2 r + c(m-3)}, & y \in D. \end{cases}$$

$$F(x) = \frac{1+I_G(x)}{\sigma_m} \int_G \frac{\exp(-cr)}{r^{m-2}(m-2)} \varphi(y) d_y S.$$

μ - $\bar{D}$ борель қисм тўпламларининг σ - алгебрасида $\mu(A) = \lambda(A) + S(A \cap G)$ тенглик билан аниқланган ўлчов, λ - R^m даги Лебег ўлчови, S - сатҳ майдони.

Теорема 1.5 да (5) чизиқсиз интеграл тенглама учун кетма-кет яқинлашишлар усули яқинлашишини таъминловчи шартлар аниқланган. (5) формулага мувофиқ $\bar{D}$ соҳада тармоқланувчи тасодифий жараён аниқланган. $Z_0 = (x,1)$, Z_1, Z_2, ... , Z_n, ... – тармоқланувчи жараён траекторияси бўлсин, бунда $Z_i = (x_i^1, n_i^1; x_i^2, n_i^2; \ldots; x_i^{l_i}, n_i^{l_i})$ - i моментдаги нуқтавий тақсимот.

Лемма 1.2. *Тасодифий тармоқланувчи* Z_n *жараён бир эҳтимоллик билан* $\bar{D}$ *соҳада тугалланади.*

$\{\xi_k(x)\}$ тасодифий миқдорлар кетма-кетлигини реккурент формула орқали аниқлаймиз: $\xi_0(x) = u(x)$, $\xi_k(x) = \Psi(\xi_{k-1}(x))$,

$$\Psi(\xi(x)) = \begin{cases} \xi(y), & \text{эхтимоллиги } 1-g(x,y); \\ W_n(y)\prod\limits_{i=1}^{n}\xi^{(i)}(y), & \text{эхтимоллиги } \pi_n g(x,y); \\ \dfrac{1}{\pi_0}\left(\dfrac{b_0(y)}{a(y)} + \dfrac{\tilde{F}(y)}{g(x,y_2)(1-k_1(\rho))}\right), & \text{эхтимоллиги } \pi_0 g(x,y). \end{cases}$$

Бунда y - тасодифий нуқта фиксирланган x да $p(x,z)$ тақсимот зичлигига эга; $\rho = \rho(x,\omega)$; $\xi^{(i)}(y)$ - $\xi(y)$ тасодифий миқдорнинг боғлиқсиз ҳолда моделлаштирилган қийматлари, $\tilde{F}(x)$ - $F(x)$ интегралнинг силжимас баҳоси, $W_n(y) = \dfrac{b_n(y)}{\bar{b}_n}\dfrac{M}{\alpha a(y)}$.

$\Im_n$ - жараённинг n – моментигача бўлган қисми асосида ҳосил қилинган σ алгебра ва N - жараённинг тўхташ моменти бўлсин. Лемма 1.2 га кўра бир эҳтимоллик билан $N < \infty$.

Теорема 1.6. *a)* $\{\xi_k(x)\}_{k=0}^{\infty}$ *кетма-кетлик* $\{\Im_k\}_{k=0}^{\infty}$ *га нисбатан мартингал ташкил этади. Агар* $M < a$ *бўлса,* $\xi_k(x)$ *- текис интегралланувчи мартингал бўлади. b)* $M < a$ *бўлсин,у ҳолда* $\xi_N(x)$ *-* $u(x)$ *учун чегараланган дисперсияли силжимас баҳо бўлади.*

(3) масаланинг $m = 3$ ва $a(x) = c^2$ ҳусусий ҳолда кўриб чиқамиз. Бу ҳолда $k_2(r) = c^2 r\exp(-cr)$ ва (4) ифодадаги иккинчи интеграл нолга тенг:

$$u(x) = \frac{1+I_G(x)}{\sigma_3}\left[\int\limits_D \frac{k_2(r)}{r^2}\frac{f(y,u(y))}{c^2}dy + \int\limits_G k_1(r)\frac{Cos\varphi_{xy}}{r^2}u(y)d_yS + \int\limits_G \frac{\exp(-cr)}{r}\varphi(y)d_yS\right].$$

Эҳтимолий кўриниш (5) дан фарқли бўлиб, у қуйидаги кўринишга эга:

$$u(x) = \int\limits_{\bar{D}} p(x,y)\Phi(u(y))d\mu(y) + F(x), \quad \Phi(u) = \begin{cases} u(y), & y \in G; \\ \dfrac{f(y,u(y))}{c^2}, & y \in D. \end{cases}$$

$\{\eta_k(x)\}_{k=0}^{\infty}$ тасодифий миқдорлар кетма-кетлигини қуйидагича аниқлаймиз: $\eta_0(x) = u(x)$, $\eta_k(x) = \Theta(\eta_{k-1}(x))$,

$$\Theta(\eta(x)) = \begin{cases} \eta(y), & 1\ \text{хол}; \\ W_n(y)\prod\limits_{i=1}^{n}\eta^{(i)}(y), & 2\ \text{хол}; \\ \dfrac{1}{\pi_0}\left(\dfrac{b_0(y)}{c^2} + \dfrac{\tilde{F}(y)}{(1-k_1(\rho))}\right), & 3\ \text{хол}. \end{cases}$$

1 ҳол. $k_1(\rho)$ эҳтимоллик билан заррача $x \to y = y_1 \in G$ ва ҳаракатини давом эттирди. **2 ҳол.** $\pi_n\,(1-k_1(\rho))$ эҳтимоллик билан заррача $x \to y = y_2 \in D$ ва $n \neq 0$ тага бўлинди. **3 ҳол.** $\pi_0\,(1-k_1(\rho))$ эҳтимоллик билан заррача $x \to y = y_2 \in D$ ва ютилди. Бунда $\eta^{(i)}(y)$- $\eta(y)$ тасодифий миқдорнинг боғлиқсиз ҳолда моделлаштирилган қийматлари, $W_n(y) = \dfrac{b_n(y)}{\bar{b}_n} \dfrac{M}{\alpha\, c^2}$.

Теорема 1.7. *a)* $\{\eta_k(x)\}_{k=0}^{\infty}$ *кетма-кетлик* $\{\Im_k\}_{k=0}^{\infty}$ *га нисбатан мартингал ташкил этади. Агар* $M < c^2$ *бўлса,* $\eta_k(x)$ *текис интегралланувчи мартингал бўлади. b)* $M < c^2$ *бўлсин, у ҳолда* $\eta_N(x)$ *баҳо* $u(x)$ *функция учун силжимас баҳо бўлади ва унинг дисперсияси чегаралангандир.*

Диссертациянинг **«Яримчизиқли параболик тенгламаларга қўйилган чегаравий масалалар ечимлари учун эҳтимолий моделлар»** деб номланувчи иккинчи боби мазкур масалалар ечимлари учун статистик моделлаштириш усулларни ишлаб чиқиш ва асослашга бағишланган.

2.1 параграфда қуйидаги масала кўрилган. $D \subset R^m$ чегараланган соҳа ва унинг чегараси ∂D, $\Omega = D \times [0,T]$, $T > 0$. Функциялар $y_0(x) \in C(\bar{D})$, $y(x,t) \in C(\partial D \times [0,T])$, $a_n(x,t) \in C(\bar{\Omega})$ $(n = 0,1,2,\ldots)$ ва коэффициентлар $c > 0$, $a > 0$. $f(x,t,u) = \sum\limits_{n=0}^{\infty} a_n(x,t) u^n(x,t),$ қатор коэффициентлари $\lim\limits_{n\to\infty} \sqrt[n]{\bar{a}_n} = 0$ шартни қаноатлантиради, бунда $\sup\limits_{(x,t)\in\Omega} \left|a_n(x,t)\right| \le \bar{a}_n$. Қуйидаги параболик тенглама учун бошланғич чегаравий масалари кўрамиз:

$$\frac{\partial u(x,t)}{\partial t} - a\Delta u(x,t) + cu(x,t) = f(x,t,u), \quad (x,t) \in \Omega, \tag{6}$$

Бошланғич ва чегаравий шартлар:

$$\begin{cases} u(x,t) = y(x,t), & x \in \partial D,\, t \in \left[0,T\right], \\ u(x,0) = y_0(x), & x \in D. \end{cases} \tag{7}$$

Фараз қиламиз $a_n(x,t)$, $(n = 0,1,2,\ldots)$, $y_0(x)$, $y(x,t)$ функциялар ва a, c коэффициентлар шундайки, яримчизиқсиз масаланинг ягона узлуксиз ечими мавжуд ва $M = \sum\limits_{n=0}^{\infty} \bar{a}_n n < \infty.$ бўлсин. $Z(x,t;y,\tau)$ - иссиқлиқ ўтказувчанлик тенгламасининг фундаментал ечими бўлсин. Соҳалар оиласи $Q_r(x,t)$ $r > 0$ параметр ва $(x,t) \in R^{m+1}$ нуқтага боғлиқ:

$$Q_r(x,t) = \left\{(y,\tau) : Z(x,t;y,\tau) > (4\pi ar)^{-m/2}, \tau < t\right\}.$$

Лемма 2.1. $u(x,t)$ *функция* $\frac{\partial u(x,t)}{\partial t} - a\Delta u(x,t) = f(x,t), \quad (x,t)\in\Omega$ *тенгламани қаноатлартирсин. У ҳолда ўртача қиймат ҳақидаги қуйидагича муносабат ўринли бўлади:*

$$u(x,t) = a \iint\limits_{\partial Q_r(x,t)} \left(1-\frac{t-\tau}{r}\right)\left(-\frac{\partial Z(x,t;y,\tau)}{\partial n_y}\right) u(y,\tau)ds d\tau +$$

$$+\frac{1}{r}\iint\limits_{Q_r(x,t)} Z_r(x,t;y,\tau)u(y,\tau)dyd\tau + F_r(x,t),$$

бунда $F_r(x,t) = \frac{1}{r}\iint\limits_{Q_r(x,t)} (r-(t-\tau))Z_r(x,t;y,\tau)f(y,\tau)dyd\tau, \; Z_r = Z-(4\pi ar)^{-m/2}$,

ds - $\partial B(x, R(t-\tau))$ *сфера сирти элементи.*

$r = r(x,t) = \min\left\{\frac{eR^2(x)}{2ma}, t, \frac{1}{c}\right\}$ бўлсин. У ҳолда $\overline{Q_r(x,t)} \subset \Omega$ ва фиксирланган (x,t) ларда қуйидаги функциялар

$$p_1(x,t;y,\tau) = \frac{\left(1-\frac{t-\tau}{r}\right)a}{1-q_m}\left(-\frac{\partial Z(x,t;y,\tau)}{\partial n_y}\right) I_{\partial Q_r(x,t)}(y,\tau),$$

$$p_2(x,t;y,\tau) = \frac{\left(1-\left(r-(t-\tau)\right)c\right)Z_r(x,t;y,\tau)}{rq_m\left(1-rq_{1m}c\right)} I_{Q_r(x,t)}(y,\tau),$$

$$p_3(x,t;y,\tau) = \frac{Z_r(x,t;y,\tau)}{rq_m} I_{Q_r(x,t)}(y,\tau)$$

$\bar{Q}_r(x,t)$да ўтиш эҳтимолликларининг зичлиги бўлади. Бунда $q_{1m} = 1-\frac{1}{2}\left(\frac{m+2}{m+4}\right)^{1+m/2}$. Қуйидаги белгилашлар киритамиз: $\alpha_1 = 1-q_m$, $\alpha_2 = q_m\left(1-rcq_{1m}\right)$, $\alpha_3 = rcq_m q_{1m}$. Шуни таъкидлаш лозимки, $\alpha_1+\alpha_2+\alpha_3 = 1$.

Теорема 2.1. *(2.1)-(2.2) масаланинг ечими учун қуйидаги эҳтимолий кўриниш ўринли:*

$$u(x,t) = \alpha_1 Eu(y_1,\tau_1) + \alpha_2 Eu(y_2,\tau_2) +$$

$$+\alpha_3 E\left(1-v^{2/m}\exp\left(-\frac{2\xi_1}{m+2}\right)\right)\frac{f(y_3,\tau_3,u(y_3,\tau_3))}{cq_{1m}}, \qquad (8)$$

бунда (y_i,τ_i) - $Q_r(x,t)$ *шароиднинг фиксирланган* (x,t) *нуқтада* $p_i(x,t;y,\tau)$ $(i=\overline{1,3})$ *ўтиш тақсимоти зичлигига асосан тақсимларган нуқтаси,* υ- $(2,2/m)$ *параметрли бета тақсимотга эга ва* ξ_1 - $(m/2,1)$ *параметрли гамма тақсимотга эга тасодифий миқдорлар.*

$C(\bar{\Omega})$ да аниқланган функцияларга таъсир қилувчи $\mathfrak{R}_1$, $\mathfrak{R}_2$ ва $\mathfrak{R}_3$, операторларни $\mathfrak{R}_i u(x,t) = \iint\limits_{\bar{\Omega}} p_i(x,t;y,\tau)u(y,\tau)d\mu, \quad (x,t)\in\bar{\Omega}, \quad (i=\overline{1,3}).$ каби аниқлаймиз. Бунда μ - ўлчов $\bar{\Omega}$ тўпламнинг борел кисм тўпламлари σ-алгебрсида $\mu(A)=\lambda(A)+S(A\cap\partial\Omega)$ тенглик билан аниқланган, λ - R^m даги Лебег ўлчови, S- сатҳ юзаси. Қуйидаги F чизиқсиз интеграл операторни кўрайлик:

$$\mathbf{F}u(x,t)=\alpha_1\mathfrak{R}_1 u(x,t)+\alpha_2\mathfrak{R}_2 u(x,t)+\alpha_3/(cq_{1m})\sum_{n=0}^{\infty}\mathfrak{R}_3\left(a_n(x,t)u^n(x,t)\right).$$

Теорема 2.2 да $u(x,t)=\mathbf{F}u(x,t)$ интеграл тенглама учун кетма-кет яқинлашишлар усулини яқинлашишини таъминловчи шартлар келтирилган. (8) кўринишга мувофиқ ҳолда Ω фазода тасодифий тармоқланувчи жараён ва унинг ўтиш функцияси $P((x,t,1),B)$ аниқланган, жараён траекториясини моделлаштириш усули берилган. $Z_0=(x,t,1),Z_1,Z_2,\ldots,Z_n,\ldots$ тармоқланувчи жараён траекторияси бўлсин.

Лемма 2.2. $\{Z_n\}$ *тасодифий тармоқланувчи жараён бир эҳтимоллик билан ёки* Ω *соҳа ичида тугалланади ёки* $T=(x^1,t^1,n^1;x^2,t^2,n^2;\ldots;x^k,t^k,n^k)$, $(x^i,t^i)\in\partial\Omega$, $i=\overline{1,k}$ *нуқтавий тақсимотга яқинлашади.*

Тармоқланувчи тасодифий жараён траекториясида $\{\zeta_k(x,t)\}_{k=0}^{\infty}$ тасодифий миқдорлар кетма-кетлигини рекуррент формула ёрдамида аниқлаймиз: $\zeta_0(x,t)=u(x,t)$, $\zeta_k(x,t)=\Psi(\zeta_{k-1}(x,t))$,

$$\Psi(\zeta(x,t))=\begin{cases}\zeta(y_1,\tau_1), & \text{эхтимоллиги } \alpha_1(x,t);\\ \zeta(y_2,\tau_2), & \text{эхтимоллиги } \alpha_2(x,t);\\ W_n(y_3,\tau_3)\prod\limits_{i=1}^{n}\zeta^{(i)}(y_3,\tau_3), & \text{эхтимоллиги } \pi_n\alpha_3(x,t)\,(n\neq 0);\\ W_0(y_3,\tau_3)\dfrac{a_0(y_3,\tau_3)}{\pi_0}, & \text{эхтимоллиги } \pi_0\alpha_3(x,t).\end{cases}$$

Бунда (y_i,τ_i)- фиксирланган (x,t) учун $p_i(x,t;y,\tau)$ ўтиш эҳтимолликлари зичлиги асосида тақсимланган тасодифий нуқта $(i=1,2,3)$, $\zeta^{(i)}(y,\tau)$- $\zeta(y,\tau)$ тасодифий миқдорнинг боғлиқсиз ҳолда моделлаштирилган қийматлари. Кўпайтувчилар қуйидагича аниқланган:

$$W(y,\tau)=\frac{1}{cq_{1m}}\left(1-v^{2/m}\exp\left(-\frac{2\xi}{m+2}\right)\right),$$

$$W_n(y,\tau)=W(y,\tau)\frac{a_n(y,\tau)}{\bar{a}_n}\frac{M}{\alpha},\quad W_0(y,\tau)=W(y,\tau)\frac{a_0(y,\tau)}{\pi_0},$$

бунда ξ- $(m/2,1)$ параметрли гамма тақсимотга ва v - $(2,2/m)$ параметрли бета тақсимотга эга тасодифий миқдорлар.

$\Re_k$ траектория координаталарини аниқловчи $\{\xi_n\}_{n=0}^k$, $\{\omega_n\}_{n=0}^k$, $\{\xi'_n\}_{n=0}^k$, $\{v'_n\}_{n=0}^k$, $\{\xi''_n\}_{n=0}^k, \{v''_n\}_{n=0}^k$ тасодифий миқдорлар асосида ҳосил қилинган σ алгебра бўлсин. Қуйидаги тасдиқ ўринли.

Теорема 2.3. *$\{\zeta_k(x,t)\}_{k=0}^\infty$ кетма-кетлик $\{\Re_k\}_{k=0}^\infty$ га нисбатан мартингал ташкил этади. Агар $M < cq_{1m}$ бўлса, у ҳолда $\zeta_k(x,t)$- текис интегралланувчи мартингал бўлади.*

Етарлича кичик ε учун чегаранинг ички ε атрофи $(\partial\Omega)_\varepsilon$ бўлсин. N_1- жараённинг соҳа ичида тугалланиш моменти ва N_ε- барча зарраларнинг биринчи бор $(\partial\Omega)_\varepsilon$ га тушиш моменти бўлсин. $N = \min\{N_1, N_\varepsilon\}$- жараённинг тўхташ моментидир. У ҳолда траекториянинг нуқтада узилиш эҳтимоли қуйидагига тенг бўлади:

$$g(x_n,t_n) = \begin{cases} 1, & \textit{агар} \quad (x_n,t_n) \in (\partial\Omega)_\varepsilon; \\ \pi_0, & \textit{агар} \quad (x_n,t_n) \in \bar{\Omega} \setminus (\partial\Omega)_\varepsilon. \end{cases}$$

Лемма 2.2 га асосан бир эҳтимоллик билан $N < \infty$.

Теорема 2.4. *Агар $M < cq_{1m}$ бўлсин, у ҳолда $\zeta_N(x,t)$- $u(x,t)$ учун чегараланган дисперсияли силжимас баҳо бўлади.*

Ҳусусий $f(x,t,u)$ функция $g\exp(u), g\sin(u), g\cos(u), g\,\mathrm{sh}(u), g\,\mathrm{ch}(u)$, $(g - const)$ каби аниқланган ҳоллар учун $\{\pi_k\}_{k=0}^\infty$ кўпайиш эҳтимолликлар аниқланган.

2.2 параграфда яримчизиқли параболик тенглама учун Коши масаласи кўрилган. $\Omega = R^m \times (0,T]$, $f(x,t,u) = \sum\limits_{n=0}^\infty a_n(x,t)u^n(x,t)$, $\lim\limits_{n\to\infty} \sqrt[n]{\bar{a}_n} = 0$ бўлсин, бунда $\sup\limits_{(x,t)\in\Omega} |a_n(x,t)| \le \bar{a}_n$. Қуйидаги параболик тенглама учун Коши масаласини қўрамиз:

$$\frac{\partial u(x,t)}{\partial t} - a\Delta u(x,t) + \sum_{i=1}^m b_i(x,t)\frac{\partial u(x,t)}{\partial x_i} + c(x,t)u(x,t) = f(x,t,u), (x,t) \in \Omega, \qquad (9)$$

Бошланғич шарт:

$$u(x,0) = \varphi(x). \qquad (10)$$

Фараз қиламиз $\varphi(x)$, $c(x,t)$, $b_i(x,t)$, $i = \overline{1,m}$, $a_k(x,t)$, $k = 0,1,2,\cdots$ функциялар шундайки, (9)-(10) масаланинг ягона узлуксиз ечими мавжуд ва $M = \sum\limits_{n=0}^\infty \bar{a}_n n < \infty$ бўлсин . Масала ечимининг баҳоси тармоқланувчи жараён траекториясида қурилган. Бунинг учун махсус ўрта қиймат хақидаги муносабат асосида $u(x,t)$ функцияга нисбатан интеграл тенглама ҳосил қилинган:

$$u(x,t)=\int_0^t d\tau \int_{R^m} Z(x,t;y,\tau)\times$$

$$\times\left(k(x,t;y,\tau)u(y,\tau)+\sum_{k=0}^{\infty} a_k(y,\tau)u^k(y,\tau) \right)dy+\int_{R^m} Z(x,t;y,0)\varphi(y)dy,$$

бунда

$$k(x,t;y,\tau)=\sum_{i=1}^{m}\left[\frac{\left(b_i(x,t)-b_i(y,\tau)\right)}{2a(t-\tau)}\left(y_i-x_i-(t-\tau)b_i(x,t)\right)+\frac{\partial b_i(y,\tau)}{\partial y_i} \right]-c(y,\tau).$$

$r(t,\tau)$ τ бўйича ўтиш зичлиги бўлиб, у қуйидаги шартларни қаноатлантирсин: $r(t,\tau)\ge c_0>0$, ихтиёрий $0<\tau<t$ учун $\int_0^t r(t,\tau)d\tau\le c_1<1$, $\tau\ge t$ ва $\tau<0$ учун $r(t,\tau)=0$. $q(t)$ ни қуйидагича аниқлайлик: $q(t)=1-\int_0^t r(t,\tau)d\tau>0$, $q(t)<1$. У ҳолда $p(x,t;y,\tau)=\dfrac{r(t,\tau)}{1-q(t)}Z(x,t;y,\tau)$ функция ўтиш эҳтимолликлари зичлиги бўлади. Тармоқланиш қонуниятини аниқлаш учун $\alpha\in(0;1)$ параметр киритамиз ва қуйидаги сонли кетма-кетликни аниқлаймиз: $\pi_k=\alpha\cdot\overline{a_k}/M,\ (k=1,2,\ldots)$, $\pi_0=1-\sum_{k=1}^{\infty}\pi_k$. Ихтиёрий k учун $0\le\pi_k<1$ ва $\sum_{k=0}^{\infty}\pi_k=1, \sum_{k=0}^{\infty}k\cdot\pi_k=\alpha$. Масаланинг ечими учун қуйидаги эҳтимолий кўриниш ўринли бўлади:

$$u(x,t)=(1-q(t))\int_0^t d\tau\int_{R^m} p(x,t;y,\tau)\times$$
$$\times\left(\sum_{k=0}^{\infty}\pi_k W_k(x,t;y,\tau)u^k(y,\tau)\right)dy+q(t)\int_{R^m} Z(x,t;y,0)\,\frac{\varphi(y)}{q(t)}dy. \tag{11}$$

W_k қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$W_0(x,t;y,\tau)=\frac{a_0(y,\tau)}{\pi_0 r(t,\tau)},\ W_1(x,t;y,\tau)=\frac{M}{\alpha\cdot\bar{a}_1}\left(\frac{k(x,t;y,\tau)+a_1(y,\tau)}{r(t,\tau)}\right),$$

$$W_k(x,t;y,\tau)=\frac{M}{\alpha\cdot\bar{a}_k}\,\frac{a_k(y,\tau)}{r(t,\tau)},\quad k=2,3,\ldots.$$

(11) эҳтимолий кўринишга мувофиқ тармоқланувчи тасодифий жараён ва жараеннинг $P((x,t,1),B)$ ўтиш функцияси аниқланган, жараён траекториясини моделлаштириш усули берилган. $Z_0=(x,t,1)$, $Z_1,Z_2,\ldots,Z_n,\ldots$- тармоқланувчи жараён траекторияси бўлсин.

Лемма 2.3. *$\{Z_n\}$ тасодифий тармоқланувчи жараён бир эҳтимоллик билан Ω соҳа ичида тугалланади.*

